



# Қарз юки таҳлили ва хатарлар

Март 2022

## Мундарижа

Қисқа хулоса .....	2
Кириш .....	5
1. Хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати.....	5
2. Жами кредитларнинг ЯИМга нисбати.....	9
3. Тармоқлар бўйича таҳлил .....	14
4. Жисмоний шахслар бўйича кредит юки.....	15
5. Муаммоли кредитлар (NPL) .....	18
6. Қарздорлар сони бўйича таҳлил .....	20

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молиявий барқарорлик департаменти томонидан тайёрланган.

Фикр ва таклифларни [udjumanazarov@cbu.uz](mailto:udjumanazarov@cbu.uz) электрон манзилига юборишингиз мумкин.

## Қисқа хулоса

Ўзбекистонда қарз юки бўйича жорий ҳолат иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича мамлакатимиз билан бир гуруҳга кирувчи давлатларнинг кўрсаткичлари доирасида шаклланган бўлсада, хусусий секторга ажратилган кредитлар юки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг (МДҲ) аксарият мамлакатларига нисбатан юқори кўрсаткични қайд этган.

Сўнги йилларда умумий қарз юки ва унинг алоҳида таркибий қисмларида сезиларли ўсиш кузатилмоқда. Хусусан, хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ялпи ичик маҳсулот (ЯИМ)га нисбати кўрсаткичи умумий динамикадан юқори сақланиб қолмоқда.

Қарз юки бўйича таҳлиллар Ўзбекистонда молия тизимига таъсир кўрсата оладиган бир қатор хатарлар мавжудлиги кўрсатди.

Жумладан, Ўзбекистонда кредитларнинг ЯИМга нисбати 25 (энг паст чегара) ва 75 (энг юқори чегара) процентил чегаралари доирасида солиштирилган давлатлар кўрсаткичларига нисбатан тезроқ суръатда ошиш ва келажакда ушбу ўсиш даражасининг сақланиб қолиш эҳтимоли мавжуд. Мазкур кўрсаткичнинг ҳавфли ҳудудга ўтиши (75 процентилдан юқори бўлиши) тизимли молиявий заифликларни юзага келтириши мумкин.

Шунингдек, ҳар бир кредит олувчига тўғри келадиган шартномалар сони яъни бир миқдорнинг кредит олиш коэффициенти ўртача 1,2 ни ташкил этаётганлигини ҳисобга олинса, кредит олувчилар сонининг кўпайиб бораётганлиги келгусида ҳам қарз юкининг нисбатан тезроқ ошишини аниқлатади. Бундан ташқари, миқдорнинг кредит олиш коэффициенти бирдан юқорилиги алоҳида кредит олувчилар бўйича қарздорлик юки юқори бўлиши ҳамда хатарли сценарий ҳолатида тизимли хатарларга олиб келиши мумкинлигини аниқлатади.

Аҳолининг кам таъминланган қатлами улушининг (Ковид-19 пандемия даври инобатга олмаганда) камайиб бориши ва уларнинг юқорида даромадга эга бўлган қатламларга ўтиши кредит олишга лаёқатли аҳолининг кўпайишига олиб келади. Бу эса, кредитга бўлган талабнинг ошиши натижасида аҳолининг қарз юки даражасининг кўпайишига таъсир кўрсатиши мумкин.

Аҳоли истеъмол кредитларининг ЯИМга нисбати таҳлилида фақатгина банклар томонидан истеъмол учун ажратилган кредитлар ҳисобга олинганлиги сабабли ушбу кўрсаткич атиги 2 фоизни ташкил этмоқда. Бунда, чакана савдо дўконларида истеъмол товар ва хизматларини муддатли тўлов асосида сотиб олиш амалиётининг кенгаяётганлиги аҳоли томонидан банклардан истеъмол кредитни олишга бўлган талабнинг ўзгаришсиз қолаётганига олиб келган бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, банклар томонидан берилаётган автокредитлар бўйича статистика банк тизимидан ташқаридаги бирламчи ҳамда иккиламчи бозорларда муддатли тўлов асосида автоуловлар савдоси тўғрисидаги маълумотларни қамраб олмаган. Банк тизимидан ташқари муддатли тўлов асосида амалга оширилган битимлар тўғрисидаги маълумотларнинг кредит бюроларга жўнатилмаслиги сабабли кредит ташкилотлари томонидан ажратилган кредитлар кўрсаткичи аҳолининг қарз юки даражасини аниқ тасвирлаб бера олмайди. Ушбу ҳолат, аҳолининг истеъмол товар ва хизматлари бўйича банк тизимидан ташқаридаги молиявий мажбуриятларини ҳам инобатга олганда, улар бўйича қарз юки кўринаётган даражадан юқори бўлиши мумкин.

Мамлакатимизда уй-жой қурилиш ишларининг жадаллашуви кўчмас мулкнинг бирламчи бозорида муддатли тўлов асосида уйлар харид қилиш имконини берди. Бу эса, жисмоний шахсларнинг банк тизимидан ташқаридаги кўчмас мулкни харид қилиш бўйича қарздорлиги шаклланишига олиб келмоқда. Бу, ўз навбатида, аҳолининг банк ипотека кредитлари бўйича қарздорлигига (ЯИМга нисбатан 5 фоиз) қўшимча молиявий мажбуриятларни вужудга келтирмоқда.

Аҳолининг ортиқча қарз юки уларнинг даромадларининг асосий қисмини кредитларни қайтариш учун сарфланиши ва натижада, келажақда истеъмол харажатлари ўсишининг чекланишига олиб келади. Ўз навбатида, аҳоли даромадларининг пасайиши эса муаммоли кредитларни юзага келтириши ва банк тизими молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Халқаро амалиётда қарз юки таҳлили фақатгина молия тизимининг статистик кўрсаткичлари билан чекланиб қолмайди. Турли хил сўровлар ўтказиш орқали иқтисодийдаги қарз юки даражасини

аниқроқ баҳолаб борилади. Келгусида аҳоли ва бизнес вакиллари ўртасида сўровлар ўтказиш орқали иқтисодиётдаги умумий қарз юки даражасини атрофлича ўрганиш кўзда тутилган.



## **Кириш**

Қарз юки даражаси молия тизими барқарорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. 2007-2008 йиллардаги жаҳон молия инқирозининг асосий сабабларидан бири сифатида қарз юкининг юқори суръатларда ошиши эътироф этилади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда кузатилаётган макроиқтисодий тенденциялар қарз юки кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда улар бўйича юзага келиши мумкин бўлган хатарларни аниқлашни тақозо этмоқда.

Қарз юки кўрсаткичлари турлича таснифланиб, иқтисодиётга ёки айнан хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати, жисмоний шахсларга берилган кредитларнинг ЯИМга ёки аҳоли ихтиёридаги даромадларига нисбати каби кўрсаткичлар билан ифодаланади.

### **1. Хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати**

Халқаро тадқиқотларда<sup>1</sup>, аҳоли жон бошига ЯИМнинг қиймати ҳамда хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати орасида ижобий боғлиқлик мавжудлиги аниқланган. 2020 йилги маълумотлар асосидаги таҳлиллар, ривожланган мамлакатлар бўйича ЯИМнинг аҳоли жон бошига қийматига мос равишда хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати даражасининг ҳам шаклланаётганини кўрсатган.

Ривожланган мамлакатларда мазкур кўрсаткичнинг баландлиги молиявий воситачилик хизматлари ва молия бозори инструментларининг ривожланганлиги ҳамда молиявий инклюзивлик (оммабоплик) даражасининг юқорилиги билан изоҳланади.

---

<sup>1</sup> Egert, B., Backe, P., Zumer, T. Credit growth in Central and Eastern Europe: New (over) shooting stars? ECB Working Paper, No. 687.

### 1-расм. Дунё мамлакатлари бўйича хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати ҳамда аҳоли жон бошига ЯИМ, 2020 йил<sup>2</sup>



Манба: Жаҳон банки ва Марказий банк.

Ўзбекистонда хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати 36 фоизни ташкил этиб, мутаносиблик чизиғи атрофида ва ўрта даромадли мамлакатларнинг пастки поғонадагилари<sup>3</sup> бўйича кўрсаткичларига жуда яқин ҳамда асосий тўплам ичида жойлашган.

Ўрта даромадга эга юқори поғонадаги мамлакатлар<sup>4</sup> бўйича хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати кўрсаткичи ўртача 144 фоизни ташкил этиб, юқори даражада шаклланган.


Ўз навбатида, ўрта даромадга эга пастки поғонадаги мамлакатларнинг кўрсаткичлари тўпламида Ўзбекистон мутаносиблик чизиғи ёки тренддан четлашган бўлиб, унинг юқори қисмида жойлашган.

<sup>2</sup> 170 та мамлакат кўрсаткичлари қамраб олинган.

<sup>3</sup> 2021 йил 1 июль ҳолатига Жаҳон банки томонидан мамлакатларнинг даромадига кўра таснифлашда ўрнатилган мезонга асосан ўрта даромадли мамлакатларнинг пастки поғонадагилар гуруҳига ялпи миллий даромад (ЯМД)нинг аҳоли жон бошига қиймати 1046–4095 АҚШ доллари оралиғида бўлган 55 та давлат, хусусан Ўзбекистон ҳам киритилган.

<sup>4</sup> 2021 йил 1 июль ҳолатига Жаҳон банки томонидан мамлакатларнинг даромадига кўра таснифлашда ўрнатилган мезонга асосан ўрта даромадли мамлакатларнинг юқори поғонадагилар гуруҳига ЯМДнинг аҳоли жон бошига қиймати 4096–12695 АҚШ доллари оралиғида бўлган 55 та давлат киритилган.

**2-расм. Ўрта даромадли мамлакатларнинг пастки поғонадагилари бўйича хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати ҳамда аҳоли жон бошига ЯИМ, 2020 йил**



Манба: Жаҳон банки ва Марказий банк.

2020 йил маълумотларига кўра хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбатининг ўртачаси жаҳон бўйича 150 фоиз, юқори даромадли мамлакатлар<sup>5</sup> бўйича 167 фоиз, ўрта даромадга эга бўлган пастки поғонадаги мамлакатлар бўйича 42 фоиз, МДХ мамлакатлари бўйича 37 фоизни ташкил этган.


Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич ўрта даромадга эга бўлган пастки поғонадаги мамлакатларнинг ўртачасидан бир оз пастроқ ва МДХ мамлакатлари бўйича ўртача кўрсаткичига жуда яқин жойлашган. Иқтисодий ривожланиши жиҳатидан Ўзбекистонга яқин бўлган мамлакатлар орасида мамлакатимизда хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати кўрсаткичининг ҳолатини процентил чегаралари<sup>6</sup> орқали кўриш мумкин.

<sup>5</sup> 2021 йил 1 июль ҳолатига Жаҳон банки томонидан мамлакатларнинг даромадига кўра таснифлашда ўрнатилган мезонга асосан юқори даромадли мамлакатлар гуруҳига ЯИМнинг аҳоли жон бошига қиймати 12 696 АҚШ долларидан кўп бўлган 80 та давлат киритилган.

<sup>6</sup> Жами кўрсаткичларнинг энг паст ва энг юқори 25 фоизларини инобатга олмаган ҳолда чегараларни белгилаш орқали айнан ўрганилаётган кўрсаткичнинг ушбу ораликда жойлашган ўрни ҳамда медиана чизиғидан қанчалик четлатганлигини ифодаловчи визуал таҳлил тури.



### 3-расм. 2020 йилда дунё мамлакатлари бўйича хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати, фоизда




Манба: Жаҳон банки ва Марказий банк.

МДХ мамлакатлари бўйича хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбатларининг 25 (энг паст чегара) ва 75 (энг юқори чегара) процентил чегаралари оралиғининг кичиклиги мазкур давлатлар бўйича кўрсаткичлар бир-бирига яқинлигини англатади.


Медиана чизиғи мазкур оралиқнинг пастки чегарасига яқин жойлашганлиги эса, МДХ бўйича аксарият мамлакатларнинг хусусий секторга ажратилган кредитларнинг юки пастроқ даражада шаклланган.

Ўрта даромадли мамлакатларнинг пастки поғонадагилари бўйича хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати процентил чегаралари орасидаги тафовутнинг кенглиги ушбу давлатлар бўйича кўрсаткичларида тафовутлар мавжудлиги билан ифодаланади. Бундан ташқари, медиана чизиғи чегаралар ўртачасида жойлашганлиги эса аҳоли жон бошига ЯИМнинг қиймати билан хусусий секторга ажратилган кредитлар юки ўртасидаги мутаносиблик асосан нормал тақсимотга эга эканлигидан далолат беради.

**4-расм. МДХ давлатлари бўйича хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати, %**



**5-расм. Ўрта даромадли мамлакатларнинг пастки поғонадагилари бўйича хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати, %**



Манба: Жаҳон банки ва Марказий банк.

2019 йилдан кейинги даврда Ўзбекистон МДХ ҳамда ўрта даромадли пастки поғонадаги мамлакатлар кўрсаткичлари медианасидан юқорилаган. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати кўрсаткичининг юқори суръатларда ўсиб бориши ҳамда давлатлар гуруҳининг 75 процентил чегарасига тобора яқинлашиб боришини молиявий барқарорликка салбий таъсир кўрсатувчи хатар сифатида қараш мумкин.


## 2. Жами кредитларнинг ЯИМга нисбати

2017 йилдан буён Ўзбекистонда иқтисодиётга ажратилган кредитларнинг кескин ўсишини талаб ва таклиф омиллари орқали изоҳлаш мумкин.


Бунда, мамлакатдаги валюта бозорининг эркинлаштирилиши, давлат дастурлари асосида ҳамда ташқи қарз ҳисобига кредит ажратиш амалиётининг жадаллашуви ва молиявий қулайлик даражасининг ошиши таклиф томондан оширувчи омиллар бўлди.

Шу билан бирга, ислохотлар натижасида бизнес ва истеъмол фаоллигининг жадаллашуви талаб томондан иқтисодиётга ажратилган кредитлар ҳажмининг ўсишига ҳисса қўшди.

**6-расм. Айрим давлатларда иқтисодийга ажратилган жами кредитларнинг ЯИМга нисбатлари динамикаси**



**7-расм. Айрим давлатларда иқтисодийга ажратилган жами кредитларнинг ЯИМга нисбатлари (2021 йил III чорақ, фоизда)**



Манба: Жаҳон банки ва Марказий банк.


Ўзбекистонда 2020 йилдан бошлаб иқтисодийга ажратилган жами кредитларнинг ЯИМга нисбатида 40-45 фоиз оралиғида барқарор динамика сақланиб турибди.

2021 йил III чорагида иқтисодийга ажратилган жами кредитларнинг ЯИМга нисбати кўрсаткичи Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари<sup>7</sup> бўйича ўртача 49 фоиз ва МДХ мамлакатлари бўйича эса ўртача 43 фоизни ташкил этди. Пандемия даврида Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Беларус, Россия каби мамлакатларда ушбу кўрсаткич бир оз кўтарилишдан сўнг пасайиш кузатилди. Мазкур ўзгаришларни кредитларни сўндириш суръатининг кескин пасайиши ҳамда иқтисодий ўсишнинг секинлашуви билан изоҳлаш мумкин.


МДХ ҳамда ўрта даромадга эга пастки поғонадаги мамлакатларда иқтисодийга ажратилган жами кредитларнинг ЯИМга нисбати кўрсаткичлари бўйича чегаралари 25 ва 75 процентил бўлган ораликда Ўзбекистоннинг ушбу кўрсаткичи юқори процентилга яқинлашиб бораётганлигини кўриш мумкин.

<sup>7</sup> Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларига Арманистон, Грузия, Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон киради.

**8-расм. МДҲ мамлакатлари бўйича жами кредитларнинг ЯИМга нисбати, %**



**9-расм. Ўрта даромадли мамлакатларнинг пастки поғонадагилари бўйича жами кредитларнинг ЯИМга нисбати, %**




■ 25 ва 75 перцентил чегаралари ■ Медиана ■ Ўзбекистон

Манба: Жаҳон банки ва Марказий банк.

Одатда, иқтисодиётга ажратилган жами кредитларнинг ЯИМга нисбати тафовутига молиявий заифликларнинг кучайиши тўғрисида олдиндан огоҳлантирувчи кўрсаткич сифатида қаралади.

**10-расм. Кредитнинг ЯИМга нисбати тафовути<sup>8</sup>, фоизда**



Манба: Марказий банк.

<sup>8</sup> Жами кредитларнинг ЯИМга нисбати тафовути Hodrick-Prescott (HP) фильтри орқали ҳисобланган.

2017 йилнинг III чорагидан 2019 йилнинг мос чорагигача бўлган даврда Ўзбекистонда кредитларнинг ЯИМга нисбати бўйича ижобий тафовути 2,5-7,1 фоиз банди оралиғида шаклланиб иқтисодиётга салоҳиятдан “ортиқча” кредитлар ажратилганлигини кўриш мумкин. Ушбу ҳолат, “инвестицион чанқоқлик”ни қондиришга йўналтирилган тадбирлар билан изоҳланади.

2021 йилда кредитларнинг ЯИМга нисбати тафовути манфий ҳудудда шаклланди. Бироқ, юзага келиши мумкин бўлган “хатарли сценарий” ҳамда тез суръатлардаги иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги ҳозирги даврдаги кредитлашнинг ўсиш суръатини узоқ вақт давом этишига тўсқинлик қилиши ҳамда ижобий тафовутни вужудга келтириши мумкин.

Ўз навбатида, охириги вақтларда жисмоний ва юридик шахсларга ажратилаётган кредитларнинг бир хил суръатларда ўсиб бораётганлиги натижасида иқтисодиётга ажратилган кредитлар декомпозициясидаги улушлар деярли ўзгаришсиз сақланиб қолмоқда.

11-расм. Иқтисодиётга ажратилган кредитларнинг декомпозицияси (ЯИМга нисбатан, %)



12-расм. Иқтисодиётга ажратилган кредитларнинг чораклик ўсиш суръати, %




Манба: Марказий банк.

Халқаро амалиётда одатда жами кредитлар таркибида юридик шахслар улушининг юқори (Қирғизистонда 79 фоиз, Беларусда 73 фоиз, Россияда 69 фоиз, Молдовада 64 фоиз, Арманистонда 57 фоиз, Қозоғистонда 53 фоизни<sup>9</sup>) бўлиши кузатилади.


<sup>9</sup> Ушбу мамлакатлар марказий банкларининг 2020 йил якуни бўйича расмий веб сайтлари маълумотлари.



**13-расм. Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғининг муддатлари бўйича таснифи, трлн. сўм**




**14-расм. Юридик шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғининг муддатлари бўйича таснифи, трлн. сўм**



Манба: Марказий банк

Муддатлар кесимида жисмоний ва юридик шахсларга берилган кредитларнинг қарийб 43 фоизи 1 йилдан 5 йилгача бўлган муддатга тўғри келмоқда. Жисмоний шахслар учун 15 йилдан юқори бўлган муддатга ажратилган кредитларнинг салмоғи ошиб бориши кузатилиб, 2021 йил якунига кўра қарийб 36 фоизга етди. Бу ўз навбатида, сўнгги йилларда ипотека кредитлари ҳажмининг ошиши билан изоҳланади.

**15-расм. Тармоқлар бўйича таъминланмаган кредитлар қолдиғи, трлн. сўм**



**16-расм. Кредит олувчилар бўйича таъминланмаган кредитлар қолдиғи, трлн. сўм**



Манба: Марказий банк.

5 йилдан 10 йилгача бўлган муддатга берилган кредитлар юридик шахсларга ажратилган жами кредитларнинг 26 фоизини ташкил этмоқда. Жисмоний шахсларга ажратилган муддати 1 йилгача бўлган


кредитларнинг улуши паст, яъни 8 фоизни ташкил этаётганлиги кредит олувчиларнинг инфляция бўйича кутилмалари юқорилигини кўрсатади.

Қарз юки таҳлилида кредитларнинг таъминланмаганлик даражаси муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда таъминланмаган кредитларнинг жами кредитлардаги улуши 2022 йил 1 январь ҳолатига атиги 2,4 фоизни ташкил этмоқда.


### 3. Тармоқлар бўйича таҳлил

Ўзбекистонда иқтисодиётга ажратилган жами кредитларнинг қарийб 35-40 фоизи саноат соҳасига тўғри келган бўлса, ушбу соҳанинг ЯИМ таркибидаги улуши ўртача 23 фоизни ташкил этади. 2021 йилда саноат соҳасига ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати 16 фоиз атрофида шаклланган.

17-расм. Иқтисодиётга ажратилган кредитларнинг тармоқлар бўйича декомпозицияси, %



18-расм. ЯИМнинг тармоқлар бўйича декомпозицияси, %



Манба: Марказий банк ва Статистика қўмитаси.

Иқтисодиётга ажратилган жами кредитлар таркибида қишлоқ хўжалиги соҳаси кичик улушни ташкил этса-да, ўсувчи динамикани намоён этмоқда. 2021 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасига ажратилган кредитларнинг жами кредитлардаги улуши 11 фоизни ташкил этиб, 2017 йилга нисбатан 5 фоиз бандга ошган. Ўз навбатида, қишлоқ хўжалигига ажратилган кредитларнинг улуши кичик бўлишига қарамасдан, унинг ЯИМдаги улуши 30 фоизни ташкил этмоқда.

Саноат соҳасига ажратилган кредитларнинг улуши катталиги ушбу соҳада технологияларни янгилаш ва замонавийлаштириш учун асосий воситалар (машина ва ускуналар)га бўлган доимий талабнинг юқорилиги билан изоҳлаш мумкин. Қишлоқ хўжалигида эса, асосан

ишчи кучига эҳтиёжнинг юқорилиги ва мавсумийлиги кредитга бўлган талабнинг пастроқ эканлигини кўрсатади.


#### 4. Жисмоний шахслар бўйича кредит юки

Ўзбекистонда жисмоний шахсларга ажратилаётган кредитлар қолдиғининг ЯИМга нисбати 2018 йилдан бошлаб сезиларли ўсиб келмоқда. Молия хизматлари оммабоплигини кенгайтириши ҳамда давлат дастурлари доирасида аҳолининг кенг қатламига молиявий кўмаклар берилаётганлиги жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг жадаллашувига туртки бўлди. 2021 йилда жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати 9,5 фоизни, аҳоли ихтиёридаги даромадларига<sup>10</sup> нисбати 14,4 фоизни ташкил этди.

19-расм. Жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг ЯИМ ва аҳоли ихтиёридаги даромадига нисбатлари, %



20-расм. 2020 йилда айрим мамлакатларда жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати, %



Манба: Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ), Марказий банк ва Статистика қўмитаси.

Ўзбекистонда жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати Россия, Қозоғистон, Арманистон, Грузия каби мамлакатларга нисбатан пастроқ даражада шаклланган. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистонда чакана кредит бозори ҳали тўйинмаганлиги билан изоҳланади.


Жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг турлари бўйича ЯИМга нисбатларида ипотека кредитлари бўйича кўрсаткичлар юқори

<sup>10</sup> Аҳоли ихтиёридаги даромадлар – жисмоний шахсларнинг даромадларидан солиқлар чегириб ташланган қисми.


шаклланган. 2022 йил 1 январь ҳолатига жисмоний шахсларга берилган ипотека кредитларининг ЯИМга нисбати 5 фоизни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, 2021 йилда жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати олдинги ўсиш трендидан сўнг бир маромда шаклланиб, кредит турлари орасида таркибий ўзгаришлар кузатилди.

**21-расм. Жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг турлари бўйича ЯИМга нисбатлари, %**



**22-расм. Жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг турлари бўйича қолдиқлари, трлн. сўм**



■ Ипотека ■ Микроқарз ■ Истеъмол ■ Бошқалар

Манба: Марказий банк.


Уй-жой қурилишининг жадаллашуви, ипотека бозорининг ривожланаётганлиги, аҳоли сонининг табиий ўсиши ҳамда аҳоли томонидан уй-жойга бўлган кечиктирилган талабнинг қондирилиши жисмоний шахсларга ажратилаётган ипотека кредитларининг тез суръатларда ўсишига омил бўлмоқда.

Шунингдек, аҳоли томонидан олинаётган микроқарзлар қолдиғининг ўсишини молиявий қарзларни нақд пул, банк карталар ёки мобил иловалари орқали осонлаштирилган равишда олиш имкониятларининг кенгайиши ҳамда оммабоплигининг ошиши билан изоҳлаш мумкин.

Бундан ташқари, сўнгги йилларда чакана савдо дўконлари томонидан турли хил истеъмол маҳсулотларини муддатли тўлов асосида сотиш амалиётининг оммалашаётганлиги банкларнинг истеъмол кредитлари ҳажмида деярли ўзгариш бўлмаганлигининг асосий сабабларидан бири сифатида қараш мумкин.

Жисмоний шахсларнинг кредитга бўлган талаби уларнинг даромадлари ҳамда табақаланиш даражасига боғлиқ. Ўзбекистонда аҳоли даромадларининг 10 фоизли гуруҳлари бўйича таснифига кўра энг юқори улуш X децил яъни энг юқори даромадга эга бўлган аҳоли гуруҳига ҳамда энг паст улуши эса I децил яъни энг кам даромадга эга бўлган аҳоли гуруҳи ҳиссаларига тўғри келмоқда.

**23-расм. Аҳоли даромадларининг 10 фоизли гуруҳлари бўйича тақсимланиши<sup>11</sup>, %**



**24-расм. Кам таъминланган аҳолининг<sup>12</sup> жами истиқомат қилувчилардаги улуши (%) ва аҳоли даромадларининг 10 фоизли гуруҳлари бўйича дифференциация коэффиценти<sup>13</sup>**



Манба: Статистика қўмитаси.

X децил кўрсаткичи 2007-2020 йиллар давомида 5,2 фоиз бандга пасайганлиги ҳамда ўрта қатламдаги децилларнинг улушлари ошганлиги аҳолининг даромадлари орасида нотекис табақаланиш қисқараётганлигидан далолат беради.

Шунингдек, 2007-2019 йиллар давомида дифференциация коэффицентининг 13,7 дан 6 га пасайиши кузатилди ва фақатгина 2020 йил Ковид-19 пандемияси даврига тўғри келганлиги сабабли ушбу кўрсаткич озгина кўтарилиб, 6,9 га етди. Ўз навбатида, I децилнинг пасайиши ҳамда X децилнинг ошиши натижасида дифференциация коэффицентининг ўзгариши Ўзбекистонда аҳоли даромадлари

<sup>11</sup> Аҳоли даромадларининг децил бўйича тақсимоти энг кичик ва энг катта даромадлари орасидаги фарқни тенг 10 та гуруҳга ажратган ҳолда ҳар бир гуруҳга тўғри келувчи аҳоли сонининг улушларини кўрсатади. Бунда, барча децил йиғиндиси 100 фоизга тенг бўлади.

<sup>12</sup> 2022 йилдан бошлаб – оиланинг ҳар бир аъзосига жами бир ойлик ўртача даромад минимал истеъмол харажатлари миқдоридан ошмаганда кам таъминланган деб эътироф этилади.

<sup>13</sup> Аҳоли даромадларининг бўйича дифференциация коэффиценти X децилнинг I децил кўрсаткичига нисбати орқали топилади.




табақаланишда тафовут кенгаётганлиги ҳамда кредит олишга лаёқатли аҳоли сонининг ошаётганлигидан далолат бермоқда.

Пандемия даврини инобатга олмаганда кам таъминланган аҳолининг жами истиқомат қилувчилардаги улуши пасайиб бормоқда. Бу эса, Ўзбекистон аҳолиси йилдан йилга ошиб бораётганлигини инобатга олсак, ўрта ва юқори даромадга эга аҳоли сонининг ошиши ҳамда уларнинг кредит олишга имкониятнинг пайдо бўлиши оқибатида кредитга бўлган қўшимча талабни яратиши мумкин.


## 5. Муаммоли кредитлар (NPL)

2021 йилда муаммоли кредитларнинг<sup>14</sup> жами кредитлардаги улуши сезиларли ўсди ва 2022 йил 1 январь ҳолатига кўра 5,2 фоизни ташкил қилди. Таъкидлаш жоизки, 2020 йил март ойидан бошлаб қатъий карантин чоралари жорий қилиниши натижасида иқтисодийнинг реал секторидаги фаолликнинг пасайиши банк активлари сифатига салбий таъсир кўрсатди.

**25-расм. Давлат улуши мавжуд банклар ва хусусий банклар бўйича муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши, %**



**26-расм. Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши ва кредит ўсиши, %**




Манба: Марказий банк.

Шунингдек, банклар томонидан тўлиқ акс эттирилмаган муаммоли кредитларнинг молиявий ҳисоботларда тўғри юритилиши устидан Марказий банк назоратининг кучайтирилиши ҳам муаммоли кредитлар улушининг ўсиш тенденциясига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

<sup>14</sup> Муаммоли кредитлар — кредитларнинг сифати «қониқарсиз», «шубҳали» ва «умидсиз» деб таснифланган активлар.

**27-расм. Айрим мамлакатларнинг муаммоли кредитлар динамикаси, %**



Манба: ХВЖ ва Марказий банк.

**28-расм. Айрим мамлакатларнинг муаммоли кредитлари (2021 йил III чорак, %)**



2021 йилнинг III чораги якунлари бўйича муаммоли кредитлар улушининг паст даромадли ривожланаётган мамлакатлар бўйича ўртача 9 фоизни<sup>15</sup>, МДХ ҳамда Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари бўйича ўртача эса 6 фоизни ташкил этди.

Пандемия бошланиши ва қатъий карантин чекловлари қўлланилиши таъсири остида муаммоли кредитлар улуши динамикасида юзага келган ўсиш аксарият давлатларда 2020 йилнинг якунига қадар давом этди. Бироқ, регуляторлар томонидан тақдим этилган банк кредитлари бўйича тўловларни маълум муддатларга кечиктириш ва бошқа шу турдаги имкониятлар муаммоли кредитлар улуши кескин ошишини секинлаштирди.

<sup>15</sup> Паст даромадли ривожланаётган мамлакатлар гуруҳига бўйича муаммоли кредитлар улушининг ўртачаси маълумотлар мавжудлигига кўра 18 та давлат (жами 59 та давлат орасидан) бўйича ҳисоб-китоб қилинган.

**29-расм. Тармоқлар бўйича муаммоли кредитлар, %**



Манба: Марказий банк.


Тармоқлар кесимида саноат соҳаси ва бошқа хизматлар соҳаларида муаммоли кредитлар юқори улушни эгаллаган. 2021 йилнинг охири чорагида жами муаммоли кредитларнинг улуши бошқа хизматлар ҳамда савдо ва умумий овқатланиш соҳасидаги пасайиш ҳисобига 5,8 фоиздан 5,2 фоизга қисқарди.

## 6. Қарздорлар сони бўйича таҳлил


Кредитлар бўйича миқдорлар сони ҳамда ҳар бир миқдорга тўғри келувчи кредит шартномалар сони каби кўрсаткичлар қарз юкини қарздорлар бўйича миқдорий таҳлил қилиш имконини беради.

2022 йил 1 январь ҳолатига кредит олувчилар сони 2,8 млн.тани ташкил этиб, шундан 96 фоизи яъни 2,7 млн.таси жисмоний шахслар ҳисобига тўғри келган. Ўз навбатида, 2021 йил давомида кредит олувчи жами миқдорларнинг сони 7 фоизга ошган бўлса, бунда жисмоний шахслар сони 8 фоизга ўсди. Кредит олувчи юридик шахслар сонидан эса пасайиш кузатилиб, 2021 йилда 11 фоизга пасайган.

**30-расм. Кредит олувчилар сони, млн. дона**



**31-расм. Ҳар бир кредит олувчига тўғри келадиган кредит шартномалари сони**



Манба: Марказий банк.

Кредит олувчи жами мижозлар сони билан кредит шартномалари сонини таққосланганда, 2016-2021 йиллар давомида ушбу кўрсаткич юқори даражаларда (1 дан юқори) шаклланмоқда. Бу эса, айрим қарздорларда икки ва ундан ортиқ кредит бўйича шартномалар мавжудлигидан далолат беради.

Ўз навбатида, ҳар бир юридик ва жисмоний шахсга тўғри келувчи шартномалар сонининг мос равишда пасайиши ва ўсиши улар орасидаги тафовутнинг қисқаришига олиб келмоқда. Жумладан, битта кредит олувчи юридик шахсга тўғри келувчи кредит шартномалар сони 2018 йилдан буён пасайиш трендга эга бўлиб, 2021 йилда 1,4 тага етган. Ҳар бир кредит олувчи жисмоний шахсга тўғри келувчи кредит шартномалар сонининг 2021 йилда пасайиши кредитлар бўйича мижозлар сонининг камайиши ҳамда аҳолининг қарз юки ўсишини чеклаш меъёри<sup>16</sup> ўрнатилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ҳар бир кредит олувчига тўғри келадиган кредит шартномалар сонининг 1 дан юқорилиги алоҳида мижозлар бўйича ҳисобланган қарз юки даражаси жами ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати кўрсаткичидан анча юқори бўлиши мумкинлигини англатади.

<sup>16</sup> 2020 йилдан бошлаб қарз олувчининг кредит ёки микроқарзлари бўйича ўртача ойлик тўловлари миқдорининг унинг ўртача ойлик даромади миқдorigа нисбати 50 фоиздан ошмаслиги керак.